XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 10 - noyabr VI-59-143-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига маблағ ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил 3-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 420,0 (тўрт юз йигирма) млн. сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси топширилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га туман маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағни “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Саттаров) маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари

бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**